

Ёзузчи Темур Пўлатов ўзининг ўнлаб кисса ва романлари билан ўзбек адабиёти тараккиётига муносиб хисса кўшиб келаётган адиблар сирасига киради.

У 1939 йилда Бухорода тугилиб, эрта меҳнат фаолиятини бошлади. Сўнгра Бухоро Давлат педагогика институтида тахсил олди. Уни 1963 йилда тугатиб, 1967 йилда Москвадаги киностсенарий олий курсига кириб ўқиди.

Унинг ижоди журналист сифатида бошланган бўлиб, хабар ва очерклари талабанк йилларидаёқ маҳаллий матбуот саҳифаларида пайдо бўлади. Унинг дастлабки киссаси («Не ходи по обочине») 1964 йилда «Звезда Востока» журналида чоп этилади. Шундан сўнг у яратган кисса ва романлар Тошкентда, Москвада рус ва ўзбек тилларида нашр этила боради. Шуни ҳам алоҳида кайд этиш керакки, Темур Пўлат рус илида ёзадиган ўзбек ёзувчиларидан бўлганлигидан унинг асарлари тезроқ тарқалади, Иттифок нашрларида тез-тез чоп этилади.

Адибнинг «Бўлак манзилгоҳлар», «Болалар хори», «Душан кайсарнинг кўрган-кечирганлари» 70—80-йиллар адабиётида саргузашт жанри тараккиётига хисса бўйиб кўшилди. Шунингдек унинг «Бухоро хонадонининг кечмишлари», «Мулк», «Кунда-шунда», «Гойибнинг иккинчи сафари», «Етти хузур-халоват ва кирк кайгу алам», «Гойибнинг кайтиши», «Тарозий тошбакаси» каби ўнлаб йирик эпик полотнолари китобхон томонидан илик карши олинган.

Темур Пўлат публицист ва мунаққид сифатида ҳам ўзининг ўнлаб мақолалари билан «Шарк юлдузи», «Звезда Востока», «Литературное обозрение», «Дружба народов» каби ойномаларда тез-тез чиқиб туради. Айниқса, унинг табиат муҳофазасига, хусусан Оролга оид ўткир чиқишлари алоҳида эътирофга лойиқдир. У айна чоғда ўзбек адиблари асарларини рус тилига, рус тилидаги адабиётларни ўз она тилига таржима қилишда ҳам маҳорат кўрсатади.

Темур Пўлатов 1986 йилда ўзининг «Мулк», «Гойибнинг иккинчи сафари», «Кунда-шунда» киссалари ва «Бухоро хонадонининг кечмишлари» романи учун Хамза номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган. 1989 йилда эса унга Ўзбекистон халқ ёзувчиси фахрий унвони берилган.